

ЧУСТ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА МАНЗИЛЛАРИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

давлат музейи илмий ходими

Зулфия Комилова

Фарғона Ўрта Осиёдаги тоғлар орасида жойлашган водий бўлиб, шимолда Тянь-Шань ва жанубда Ҳисор-Олой тоғ тизмалари билан ўралган. Водийнинг умумий узунлиги 300 км, энг кенг жойи 170 км ва майдони 22 минг кв.км ни ташкил этган. Жумладан манзилларидан Чустни анхорлари, ариқларини, ер ости сувларини шифобахшлиги билан сийлаган. Чустнинг сўлим қишлоқлари Олмос, Варзик, Гова қабилари жаннатдек табиатга эгадир. Дарҳақиқат Чуст қадимий масканлардан ҳисобланиб, “Тус” номи билан аталган ва Чуст-Олмос-Варзик тоғ олди текислигидаги сой яъни Чустсой атрофида бунёд этилган. Қадимда Буюк Ипак йўли бу маскандан кесиб ўтган бўлиб, Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқлари магистрал автомобил йўллари орқали боғланган. Тарихий манбааларга кўра Чуст азалдан ҳунармандлар шаҳри бўлган ва бу ривожланишида муҳим рўл ўйнаган. Шунинг билан бирга бу заминда буюк дин арбоблари, алломалар ва жуда ҳам кўплаб буюк алломаларимиз яшаб, ижод этишган ва ўз номларини тарихда қолдиришган. Жумладан: Нақшбандия тариқатининг номоёндаси, дин арбоби, машҳур мироб, табиб ва сиёсий арбоблари Мавлоно Лутфуллох, биринчи халқ шоири бўлган Муҳаммадшариф Суфизода, Чустий ва бошқаларни мисол этиш мумкин. Шу жумладан Чуст фарзандлари генерал-летинант Файзулла Норхўжаев, Мамашариф Фаёзов, фан докторлари Обид Жалилов, Турсунбой Файзуллаев, профессор Султонмурод Солиев, профессор Рискинбой Ибрагимов, адибимиз Ситим Улуғзода қабилар халқимизнинг доимо эътиборидаги аждодларимиздир. Уларнинг ҳаёти жуда ҳам жуда ҳам кўп қийинчиликларга ва сиёсий тузум тақризларига учраб

келганлиги тарихий битикларда мавжуд.Чуст ўзининг барча таниқли ва тарихий авлодлари вакилларига аталган зиёратгоҳларига эга маскан ҳисобланади.Жумладан “Шайх Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий” зиёратгоҳи.Бу зиёратгоҳ борасида турли манбааларида мавжуд бўлиб,Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси 19-аср охирларида меъмор Уста Мулла Қирғиз томонидан бунёд этган. Мажмуанинг минорасига уста ўзининг шогирдларини жалб этган эди. Мажмуанинг олд томони,яъни айвонининг узунлиги 28 метрни,эни эса 7,2 метрни ташкил этган.Устунлари,тўсинлари,васса жуфтлари халқ амалий санъатининг ажойиб наъмуналари усулида безак бериб чиқилган.Унинг қир-рали ёғоч устунларининг шакллари соддалаштирилгани ҳолда ёғоч шифтларига ўрнатилган.Хуш бу зиёратгоҳ Мавлоно Лутфуллоҳнинг қайси хизматлари ва тарихдаги ўрни нима экани борасида саволларни тўғилиши табиийдир.Кўпгина тарихий манбааларда қайд этилишича Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий асли Чодакликлардан бири бўлиб,1487 йили чорвадор Хўжа Фатхуллоҳ оиласида дунёга келган экан.Манбааларга кўра у Муҳаммад саллалоҳу алай-ҳу ва саламнинг саҳобаларидан бири, чорёрларнинг улуғи Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу авлодларидан бўлиб, ул зот бобаракотга 17-пушт вакили ҳисобланар экан.Яна бир манбааларда ёзилишича, яъни профессор А.А. Семёновнинг “Уникальный памятник 26-века” номли асарида ёзилишича Мавлоно Лутфуллоҳ Чодакдаги ихтилофлар туфайли дастлаб Забирконга яъни ҳозирги Чуст яқинидаги Зувутқанд қишлоғига, сўнг Карнонга кўчил келиб, у ерда ўн йил истиқомат қилади. Кейинчалик Чуст шаҳрига кўчиб ўтади. Унинг Чустда,ҳозирги истироҳат боғининг ўрнида хоноқолари мавжуд эди.Афсуслар бўлсинки бу хонақо собиқ шўралар тузими даврида бузиб ташланади.Хонақонинг айвон қисмигина бизгача етиб келган ҳолос.Мавлоно Лутфуллоҳ ҳаёти давомида Чустда кўплаб ариқлар қаздирган, ер ости сувлари учун кубурларни ўз хисобидан олиб сув йўлларини узайтирганди.Бундан ташқари 30 йил давомида муридлик қилиб, мадраса ва масжидлар қурдирган.84 ёшида мавлоно яъни 1571-йили Чуст шаҳрида вафот этган. Ушбу табаррук зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар юқоридаги маълумотлардан

ташқари яна кўплаб турли манбааларни ўрганишлари мумкин ва Мавлоно Лутфуллохнинг ҳаётий тарихи билан танишишлари мумкин. Чустнинг яна бир қадимий зиёратгоҳларидан бири бу “Бибионамозор” зиёратгоҳидир. Маҳаллий аҳоли ривоятларига кўра Бибиона юрт маликаси бўлган. Хукмдорнинг қароргоҳи тепалик устидаги мухташам саройда бўлиб, ахли мамлакат деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Малика Бибиона ҳам доимо халқ билан тенг меҳнат қилган ва у дўппи тикиш ҳунармандчилиги билан шуғулланган. У хатто тахтни ўғлини вафотидан сўнг бошқариб, халқ орасида адолатли аёл шоҳ эканини исбот этган эди. Бибиона учун кўшни мамлакат ҳукумдарларидан совчи келади, лекин у ўзини халқи учун фидо этишини билдириб уларни таклифларини рад этади. Натижада орада низо чиқади ва Бибиона жангчи либосини кийим шанини химоя этади. Навкарлари билан қуршовда қолган малика ўзини сувга отади ва кўздан ғойиб бўлади. Бу масканда зиёрат қилсангиз албатта унинг булоқларини томоша қиласиз ва атрофда кўплаб булоқлар жилосига гувоҳ бўласиз. Қайнаб чиқаётган булоқларнинг зилол сувлари инсонда гўзал туйғуларни уйғотади. Бу ерда олиб борилган археологик тадқиқотлар қадимда бу маскан аҳоли ўтроқ ҳаёт кечирганлигини тасдиқлайди. Жуда ҳам қадимий даврга юзланадиган бўлсак, дастлаб Чуст маданиятига мансуб халқ ирқий жиҳатдан европаликлар типига мансуб бўлиб, диний эътиқодга кўра оташпараст бўлишган. Чуст шаҳридан 2 км шимолида Ғовасой соҳилидаги кўхна тепалик “Буонамозор” номи билан аталган. Уни 1950 йилда археолог Э. Воронеж томонидан кашф этилган. Ўзбекистонлик археологларимиз томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси-да 35 турдаги сопол идишлар наъмуналари топилади ва 196 та бутун сақланиб қолган турли сопол буюмлар, 200,000 га яқин сопол парчалари топилган. Маҳаллий аҳолини айтишига кўра, Бибиона Қосимшайхнинг сингиллари бўлган ва икковлари ҳам Мавлоно Лутфуллох каби 16-асрда яшаб ўтишган. Навбатдаги берадиган маълумотимиз Чустнинг Тошқўрғон қишлоғидаги қадимий зиёратгоҳ “Абдурахмон Ибн Авф” дир. Ушбу зиёратгоҳ Чуст туманининг Тошқўрғон

қишлоғи фуқоролар йиғини худудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ Ўрта Осиё хусусан Фарғона водийсида ислом динини тарғиб этиш ва одамларни эзгулик, ўзоро меҳр оқибатли бўлишга чорлаган зот шарафи учун бунёд этилган. Абдурахмон ибн Авф Хуросон шахрида таваллуд топади. Ривоятларга кўра пайғамбаримиз Муҳаммад /с.а в / нинг назарларига тушган ва пайғамбаримизнинг вафотларига қадар ул зотга фарзанд сифатида тарбияларини олган экан. Сўнг Абу Бакр Сиддик, Ҳазрати Умар Одил қўлларида 10 йил, Ҳазрати Усмон Зуннурайн ҳалифалиги даврида 12 йил тарбияланганлар. Сиёсий тузум боис Хўжа Абдурахмон ибн Авф Самарқанднинг Каттакўрғон туманига келиб қолади ва бу ерда одамларни исломга тарғиб этади. Ҳаттоки ўз юртини соғиниб, подшоҳликни топшириб Мадинага сафарга отланади. Бу зотни Балх шахригача тўхтаган манзиллари ҳозирги кунда муқаддас ҳисобланади. Фарғона водийсига қайтиб келгач, Қува шохининг қўл остида элчи лавозимида фаолият кўрсатади шунингдек исломга дават этишни давом эттиради. Ахсикент ва Чиндовул манзилларида ислом динини тарғиб этаётган вақтда динга қарши бўлган душманлар Косон ҳокими Ихшид ва ўнғор ҳокими Карвон Баслар бошчилигидаги қўшин бостириб кириб, ҳозирги Сафид Булон қишлоғида 2700 кишини қиличдан ўтказадилар ва улар дин йўлида шахид бўладилар. Хўжа Абдурахмон ибн Авфнинг қай тарзда вафот этганликлари борасида турли манбаа ва ривоят мавжуд. Ривоят этишларича у зот душман ўқидан 73 та жойидан тан жароҳати оладилар ва ҳозирги Сунбулбува деб аталувчи ғойиб бўлган эканлар. Бунга гувоҳ бўлган қизни тарихий битикларга кўра Қизларбуви номи билан улуғлашганлиги ёзилган. Яна бир Чустнинг қадирли масканларидан бири бу “Отчопар Эшонбува” хонақоси ҳисобланиб, у Чуст шахрининг Пасанда маҳалласидадир. Маълумотларга кўра бу хонақо 1640 йилларда қурилган бўлиб, зиёратгоҳ асосан мақбара, масжид, чиллахона, хужралардан иборат бўлган 17 х 7 метрли ўлчамли обидадир. Зиёратгоҳни ҳовлисида Қуддус шахридан келиб ўрнашиб қолган азиз авлиё, эшонлардан Сўфи Қурбон боқи Эшон, Миррайимхон Эшон яъни Отчопар Эшон буваларнинг қабрлари мавжуд. Асрлар тасирида мақбара

ва хужралар бузилиб кетади ва фақат чиллахона қисми сақланиб қолади. Ушбу хонақоҳ борасида Мулло Мир Раҳим ҳожи мутавалли, мулло Саид Нишон томонидан ёзилган вақифнома ва бир қанча илмий-тарихий маълумотлар сақланиб қолганлигини ҳам эътироф этиш мумкин. Отчопар Эшон бува томонидан Макка шаҳрида Чуст такаси, яъни меҳмонхона қурдириб қолдирилган. Бу меҳмонхона ҳақида уларнинг аجدодлари томонидан сақланиб келаётган расмий хужжатларда ўз аксини топганлиги маълум. Кўхна Чустнинг бир четида Ахча қишлоғи мавжуд бўлиб, бу қишлоқ энг қадимги масканлардан экани билан вилоятда тарихий аҳамиятга эга ва ўз манбаалари бор. Қишлоқда тарихий аҳамиятга эга бўлган “Темир момо” зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, қайси асрга оид экани ноъмалум. Бу жой ҳақида маҳаллий аҳоли ривоят этишларича, асрлар мобайнида маҳаллий ва кўшни жойлардан зиёратчилар доимо ташриф буюриб келишган. Айтишларича кимгаки темиритка ва шунга ўхшаш тошмалар тошса шу жойга келиб зиёрат қиларкан. Зиёрат қилувчилар ош дамлаб халққа тарқатиб эхсон қилишаркан. Наманган вилояти тарихига назар ташлайдиган бўлинса бундай тарихи тўла ўрганилмаган қадимий зиёратгоҳларимиз анчагина. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон хилма хил моддий ва маданий ёдгорликларга бой заминдир. Ер қуррасидаги жаҳон цивилизациясининг энг қадимги маданият ўчоқларидан биридир. Халқи – миз томонидан яратилган моддий ва маданий бойликлар тарихий жараёнларда бўлган уруш тўфонлари ҳамда қирғинларда афсуски харобаларга айланганди. Шундай бўлсада, сақланиб қолганларини қайта таъмирлаш, асли ҳолини янгитдан яратиш, кўшимча мақбаралар ва обидалар бунёд этиш масалалари давлатимиз раҳбарининг бугунгу кундаги асосий ҳаракатларидан бири бўлмоқда. Аجدодларимиз яшаган бу табаррук замин барчамиз учун жуда қадрли ва улар мангу қуним топган масканлар эса бу бизнинг зиёратгоҳларимиз, қадамжойларимиздир. Чунки ота-боболаримиз ва моҳир меъморларимиз томонидан яратилган бетакрор обидалар ичида зиёратгоҳлар ҳам алоҳида ўрин тутиб, эндиликда бу масканларимизни янада ободонлаштириш ишларини доимий равишда амалга ошириб бориш барчамизнинг

асл мақсадимизга айланиб бўлгани бежиз эмас. Хулоса ўрнида буюк саркарда Амир Темурнинг “Темур тузуклари”даги куйдаги жумлаларни қайта-қайта эсга оламиз. “Азиз авлиё-лар,саҳобалар мақбараларини,кутлуғ қадамжоларини”зиёрат этмоқни ҳам фарз,ҳам қарз билур эдим.Қайда бўлмай зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб,тахорат олгач, яланг оёқ билан бориб зиёратни ўринлатдим.Аркону давлат,барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавот этмоқ кераклигини одат билишди”.Ҳозирги кунда Наманган вилоятида жами 303 та руйхатга олинган маданий меърос объектлари бўлиб, уларнинг 136 таси археологик ёдгорликлар, 106 таси меъморий ёдгорликлар,60 таси зиёратгоҳлар, 2 таси мадраса ва 6 таси ҳайкалтарошликка оиб маҳоботли хайкаллардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.”Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси” 11-12-боблари.
- 2.”Наманган вилояти зиёратгоҳлари” Ўзбекистон Республикаси Маданият вазиллиги. Муаллиф:Латифа Ахмадалиева. Наманган-2015 йил нашри.
- 3.”Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари” Муаллифлар : И.Ю.Юсупов ва Э.Ю.Мирзаалиев.2008йил.
- 4.”Қадимги Фарғона сирлари” Й.Қ.Қосимов. 1992 йил-Наманган нашри.